БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 18 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 293 (18.171). • 20 декабрь 1981 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

Кеча бутун мамлакатимиз халқлари ва барча прогрессив инсоният замонамизнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби, жаҳонда тинчлик учун, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун оташин курашчи азиз **ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ** *туғилган куннинг етмиш беш йиллигини тантанали нишонлади.*

Ўртоқ Л. И. Брежневга Ватаннинг юксак мукофоти топширилди. Суратда: мукофотни топшириш пайти.

ТАСС—ЎзТАГ телефотоси.

КПСС БИЛАН СОВЕТ ДАВЛАТИ ОЛДИДАГИ ҒОЯТ БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневга 19 декабрь куни Катта Кремль саройида тантанали вазиятда Совет Иттифоқининг олий мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин Юлдуз» медали топширилди.

Мукофотни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов топширди.

Мукофотни топшириш вақтида Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

Залда Москвага келган социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг раҳбарлари — Густав Гусак, Тодор Живков, Янош Кадар, Эрих Хонеккер, Юмжагийн Цеденбал, Николае Чаушеску ўртоқлар бор эдилар.

Мукофотни топшириш чоғида ўртоқ М. А. Суслов нутқ сўзлади.

Ўртоқ М. А. СУСЛОВ нутқи

Азиз Леонид Ильич!

Бугун биз, Сизнинг сафдошларингиз ва дўстларингиз партия билан, бутун совет халқи билан биргаликда Сизнинг шонли етмиш беш ёшга тўлишингиз кунида Сизни муборакбод этяпмиз. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табрикномасида изҳор этилган ҳис-туйғулар ва фикр-ўйлар барча совет кишиларининг ҳис-туйғулари ва фикр-ўйларидир.

Планетадаги миллион-миллион кишилар Коммунистик партия билан Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, мангу барҳаёт Ленин ишининг содиқ давомчиси, Ер юзида тинчлик ва социал тараққиёт учун оташин курашчи бўлган Сизга чин қалбдан самимий ҳурмат ва чуқур миннатдорчилик сўзларини айтмоқдалар.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Сизнинг бутун ҳаётингиз — партия билан бирга, халқ билан бирга кечирилган ҳаётдир, халққа бағишланган ҳаётдир. Сиз ҳаёт сабоғини завод цехида, деҳқонлар даласида олдингиз, бу жойларда меҳнаткашларнинг муддаолари ва эзгу орзуларини яқиндан билдингиз. Ер тузувчи, металлург инженер, совет, партия ходими бўлиш — меҳнат билан ўтган жўшқин таржимаи ҳолингиздаги муҳим босқичлардир. Урушда вайрон бўлган хўжаликни қайта тиклаш, бепоён қўриқ ерларни кўтариш ва ўзлаштириш, улуғвор космик эпопеяни амалга ошириш — мана шу ҳамма зафарлар Сизнинг бевосита иштирокингизда содир бўлди, бу ишларга Сиз қалб қўрингизни, бунёдкорлик ғайратингизни, атоқли раҳбарга хос истеъдодингизни сарф қилдингиз.

Сиз жанговар командир ва сиёсий ходим бўлиб, гитлерчилар фашизмини тор-мор этишга катта ҳисса қўшдингиз, Улуғ Ватан урушинг бошидан охиригача машаққатли жанговар йўлни босиб ўтдингиз. Сиз ҳозир ҳам солдатсиз, ҳозир ҳам Ватан ҳимоячилари сафида турибсиз. Совет Иттифоқи Маршали, СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси сифатида Сиз мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга, тинчлик ва социализм ғалабалари посбонлигида сергак турган Қуролли Кучларни қуришга кун сайин раҳбарлик қиляпсиз.

Азиз Леонид Ильич, партия Сизни қаерга юбормасин, Сиз ҳамма жойда унинг улуғ иши учун фидокорона курашяпсиз. Сиз ленинчи партиямизнинг Марказий Комитетига бош бўлиб, олий давлат лавозимида туриб, етук социализм жамияти экономика, фан, маданият ривожининг чўққиларига дадил кўтарилиши учун, мамлакатдаги миллатлар ва элатларнинг дўстлиги мустаҳкамланиши учун ҳамма ишни қиляпсиз.

Ижодий бунёдкорлик меҳнати муҳити вужудга келганлиги Сизнинг шак-шубҳасиз хизматингиз бўлди, шу муҳит ижтимоий жараёнлар жўшқинлигининг, кейинги беш йилликлар давомида мамлакат тараққиётига хос бўлган буюк зафарларнинг муҳим омили бўлиб қолди. Халқ хўжалигини интенсивлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш юзасидан партия ва шахсан Сиз қўйган вазифаларни совет меҳнаткашлари ўзларининг жонажон ишлари, деб қабул қилдилар.

Ҳозирги босқичда КПССнинг Сизнинг раҳбарлигингизда ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган тўғри, илмий асосланган марксча-ленинча сиёсати совет халқининг туб, ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Бу сиёсат совет кишиларига илҳом бермоқда, уларни меҳнатда янги жасоратларга сафарбар этмоқда. Партиянинг меҳнаткашларнинг ошиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ва партия XXIII, XXIV, XXV съездлари қарорларида ўзининг конкрет ифодасини топган йўли КПСС XXVI съездида, ўн биричи беш йилликка мўлжалланган иқтисодий ва социал ривожланиш планида янада чуқур равишда ишлаб чиқилди. Партия Марказий Комитети Сиёсий бюро, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари кун сайин халқ фаровонлигини ўйлаб яшамоқда. Партия сиёсатнинг кучи, ҳамма режаларимизнинг реаллиги — партия билан халқ манфаатларининг бирлигидадир.

Леонид Ильич, Сиз мураккаб халқаро вазиятда ўткир сиёсий проблемаларни ҳал этишда донишмандлик ва Ленин партиясига хос доҳолик кўрсатиб, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги ишини изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қиляпсиз, бунинг учун совет халқи, тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги Сиздан астойдил миннатдордирлар.

Азиз Леонид Ильич!

Меҳнаткашларнинг жуда кўп таклифларини эътиборга олиб, уларнинг ҳис-туйғулари ва истакларини ифодалаб, СССР Олий Совети Президиуми Сизнинг тинчлик ишларидаги ва ҳарбий ишлардаги жуда зўр хизматларингизни Ватаннинг олий мукофоти билан тақдирлашга қарор қилди.

Ўртоқ М. А. Суслов СССР Олий Совети Президиумининг Леонид Ильич Брежневни Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб эшиттирди ва ҳамда ҳозир бўлган кишиларнинг давомли қарсаклари остида мукофотни топширди.

Президиумда ўртоқ М. А. Суслов бундай деди:

Леонид Ильич, Сизни туғилган кунингиз билан, Ватаннинг олий мукофоти билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Сизга сидқидилдан саҳат-саломатлик, халқ бахт-саодати йўлидаги, Ер юзида тинчлик ва коммунизм идеалларининг тантанаси йўлидаги тинимсиз фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилаймиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев жавоб нутқи сўзлади.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Ҳурматли Михаил Андреевич! Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Юксак мукофот ва эзгу сўзлар учун чин кўнгилдан раҳмат. Ўз меҳнатинг мана шундай эътибор ва ҳурмат қилиниши кишини ғоят тўлқинлантиради. Бу — кўп йиллик иш давомида партия учун, халқ учун бирмунча фойдали иш қилишга муваффақ бўлинганига ишончни мустаҳкамлайди. Мана шуларнинг ҳаммаси кишига янги куч ва руҳий бардамлик бахш этади.

Менга берилган мукофотни ишониб топширилган масъулиятли партия ва давлат лавозимларида туриб, шахсан ўзим қилган ишларни эътироф этиш дебгина билмайман. Мен буни аввало биз бошлаган йўл тўғрилиги ва таъсирчанлигини эътироф этиш деб биламан. Партиямизнинг сўнгги съездлари қарорларида аниқ-равшан белгиланган ва сиз билан биз бутун кучғайратимизни ишга солиб турмушга татбиқ этаётган сиёсатнинг тўғрилигини эътироф этиш деб биламан.

Шу муносабат билан мен ҳозир қўйидагиларни айтиб ўтмоқчиман, ўртоқлар.

Бутун жамиятимизнинг раҳбар, йўналтирувчи кучи бўлган партиямизнинг бирлиги, жипслиги, унинг раҳбар органи — Марказий Комитет, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва Секретариатининг аҳил ишлаши партиянинг муваффақиятли ишлашининг муҳим шартларидан биридир. Бизда худди шундай бўляпти, деб зўр мамнуният билан айтиш мумкин.

Биринчидан, раҳбарликда тўла ҳамжиҳатлик, ички ва ташқи сиёсатимизнинг мақсадлари тўғрисида, шу мақсадларга бориш йўллари ҳақида якдиллик бор. Энг муҳими ҳам мана шундан иборат. Ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг тинчлик ва социалистик Ватанимизнинг равнақи, совет халқининг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан бошқа юмушимиз йўқ.

Иккинчидан, раҳбарлик қилувчи коллектив, яъни вужудга келаётган вазифаларни ва проблемаларни бирлиқда ўрганиб, жиддий муҳокама қилиш ҳамда биргаликда қарор қабул этиш практикаси бор.

Ниҳоят, бир-биримизга нисбатан астойдил ҳурмат, чинакам ўртоқлик руҳи ва яхши инсоний дўстлик бор. Мана шуларнинг ҳаммаси ижодий муҳитни ва иш самарадорлигини таъминлаб турибди.

Раҳбар партия органидаги мана шу ўртоқлик руҳи юксак принципиаллик, амалий талабчанлик билан бирга қўшилиб, бутун партияда ва мамлакатда соғлом маънавий-сиёсий иқлимни давом эттиришга, миллион-миллион совет кишиларининг фикр-ўйлари, орзу-умидлари, талабларини яхшироқ билиб ва эътиборга олишга ёрдам бермоқда. Бунинг маъноси шуки, партия билан бутун халқнинг куч-ғайратлари мамлакат ривожининг катта ва мураккаб вазифаларини ҳал этишга муваффақиятли сафарбар қилинмоқда.

Баъзан учраб турган қийинчиликлар бундай вазиятда осонроқ бартараф этилади, тарихда биринчи коммунистик жамият бинокори бўлмиш баҳодир халқ — совет халқи шуғулланаётган чинакам буюк ишларда зафар қозонишга бутун куч-қувват осонроқ жамланади.

Марказий Комитетнинг Бош секретари сифатида мени доимо қўллаб-қувватлаётганингиз учун, аҳиллик билан бирга ишлаётганингиз учун сизларга — ўртоқларим га, Сиёсий бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатларига, Марказий Комитет секретарларига сидқидилдан ташаккур айтмоқчиман.

Бу мукофотни мен чуқур миннатдорчилик ҳамда партия ва давлат олдидаги зўр масъулият туйғуси билан қабул қиламан.

* * *

М. А. Суслов ва Л. И. Брежнев ўртоқларнинг нутқлари эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, бошқа совет партия арбоблари, социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг раҳбарлари Леонид Ильич Брежневни Ватаннинг олий мукофоти билан ва унинг юбилейи билан астойдил, самимий муборакбод этдилар. Улар ўртоқ Л. И. Брежневга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ва Совет давлатининг бошлиғи масъулиятли лавозимларидаги самарали фаолиятида, совет халқининг фаровонлиги йўлида, жаҳон социализмининг позицияларини янада мустаҳкамлаш, ялпи тинчлик ва социал тараққиёт манфаатлари йўлида янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

(ТАСС).

УЛУҒ ЛЕНИН ИШИНИНГ СОДИҚ ДАВОМЧИСИ

Л. И. БРЕЖНЕВ туғилган куннинг 75 йиллиги муносабати билан Кремлда қабул маросими

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети 19 декабрь куни Кремлнинг Георгий залида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг етмиш беш йиллиги муносабати билан қабул маросими ўтказдилар.

Кремль курантлари бонг уриб, кечқурунги соат олтидан дарак беради. Зал гумбазлари остида Чайковскийнинг «Тантанали марш»и янграйди.

Қабул маросимининг қатнашчилари Леонид Ильич Брежневни давомли қарсаклар билан кутиб оладилар.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, Д. А. Кунаев, А. Я. Пельше, Г. В. Романов, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. В. Шчербицкий, Г. А. Алиев, П. Н. Демичев, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, Ш. Р. Рашидов, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков ўртоқларни олқишлаб кутиб олдилар.

Залда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, СССР министрлари, марказий идораларнинг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари, иттифоқдош республикаларнинг вакиллари, ҳарбий бошлиқлар, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари ўтиришдилар.

Қабул маросимининг қатнашчилари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг юбилей тантаналарида иштирок этиш учун Москвага келган раҳбарлари — Густав Гусак, Тодор Живков, Янош Кадар, Эрих Хонеккер, Юмжагийн Цеденбал, Николае Чаушеску ўртоқларни қардошларча самимий олқишлайдилар.

Бу ерда Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Азиз Муҳаммад, Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Родней Арисменди, Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Умар Сибоий, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг президенти Ромеш Чандра ҳам ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан қабул маросимини очиб, бундай деди:

Ўртоқлар, дўстлар! Бугун биз содиқ ленинчи, Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, тинчлик ва коммунизм учун изчил ва саботли курашчи, ҳаммамиз учун қадрдон Леонид Ильич Брежневни туғилган куни билан қизғин ва самимий табриклаётганлигимиздан хурсандмиз. **(Давомли қарсаклар).**

Азиз Леонид Ильич! КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг табрикномасида Сизнинг фаолиятингизга юксак баҳо берилди, Сизга, ишчиларча чиниққан, солдатларча сабот-матонатли бўлган кишига ва узоқни кўра биладиган донишманд сиёсий арбобга бутун халқнинг меҳр-муҳаббати изҳор қилинди. **(Қарсаклар).**

Сиз ўзингизнинг меҳнат билан ўтган бутун фаолиятингизда социализм учун курашнинг энг муҳим участкаларида, жанглар ва тинч бунёдкорликнинг олдинги марраларида турганлигингизни партия, халқ юксак қадрлайди. Сиз кенг кўламли катта ишларда қатнашдингиз — уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини тикладингиз; юз мингларча ватанпарварларни қўриқ ерларни штурм қилишга бошлаб бордингиз, кашшофлар ҳаётининг қувончларини ҳам, машаққатларини ҳам улар билан бирга баҳам кўрдингиз; бошқа қўриқни — космик фазони ҳам ўзлаштиришга раҳбарлик қилдингиз. Сиз урушнинг машаққатли йўлларидан 1418 оловли кун ва кечаларни босиб ўтдингиз. Хуллас, Советлар мамлакатининг таржимаи ҳоли Сизнинг ҳам таржимаи ҳолингиздир, Леонид Ильич. **(Давомли қарсаклар).**

Леонид Ильич, Сиз умумхалқ ишига бағишланган меҳнатингизнинг олтмиш йилидан эллик йили мобайнида Коммунистлар партияси сафида борганлигингиз диққат-эътиборга сазовордир. Коммунист деган ном билан шу йиллар мобайнида хормай-толмай қилинган ишларнинг ярми партиянинг олий штаби — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида бажарилган ишлар ҳиссасига тўғри келганлиги ҳам диққат-эътиборга сазовордир.

Леонид Ильич, Сиз партиянинг иродаси билан унинг Марказий Комитетига бошчилик қила бошлаган кунга бу йил ўн етти йил тўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари кабинетида энг фахрли ва энг масъулиятли лавозимда Сизнинг талантли партия ташкилотчиси ва омманинг етакчиси, коммунизм ишига фидокорона содиқ киши сифатидаги истеъдодингиз янада зўр куч билан намоён бўлди. **(Давомли қарсаклар).**

Сизнинг Совет давлати бошлиғи лавозимидаги фаолиятингиз ғоят кўп қиррали ва самаралидир. Сизнинг СССР Олий Совети Президиуми Раиси лавозимига сайланишингиз халқ ҳокимияти органларининг обрў-эътиборини оширишга, уларнинг фаолиятини яхшилашга ёрдам берди. Сиз мамлакатнинг умумхалқ депутати сифатида халққа фидокорона хизмат қилиш намунасини кўрсатмоқдасиз.

Сизнинг раҳбарлигингизда ишлаб чиқилган СССРнинг янги Конституцияси социалистик демократияни ривожлантирган қудратли омил бўлиб хизмат қилмоқда, совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлиги учун янада кенг уфқлар очиб берди. **(Қарсаклар).**

Сизнинг ташаббусингиз билан партия меҳнаткашларнинг доим ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш мақсадида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва иш сифатини ошириш йўлини ўтказа бошлади, озиқ-овқат проблемасини ҳал этиш ва қишлоқни социал жиҳатдан янгилашга қаратилган замонавий аграр сиёсатни ишлаб чиқди.

(Давоми иккинчи бетда).

УЛУҒ ЛЕНИН ИШИНИНГ СОДИҚ ДАВОМЧИСИ

(Бошы биринчи бетда).

Сиз мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш учун кўп меҳнат ва талантингизни сарф қилмоқдасиз. Совет кишилари, дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз тинч меҳнат билан осойишта шуғулланаётганликларида Совет Иттифоқи Маршали, СССР Мудофаа Кенгашининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг хизмати жуда катта. **(Давомли қарсаклар).**

Сиз бутун планетада тинчликни қарор топтириш, урушларни инсониятнинг ҳозирги ва келажакдаги тарихидан чиқариб ташлаш учун зўр сабот-матонат ва ижодий ишлаш ва амалга ошириш, мамлакатимизда етук социализмнинг қарор топганлиги, экономикада халқларнинг модий фаровонлигини ошириш, мамлакат мудофаасини янада мустаҳкамлаш сари содир бўлган чуқур бурилиш Сизнинг номингиз билан чамбарчас боғланган.

Сиз Улуғ Ватан урушининг барча синовларига бардош бериб, партиямиз бутун тарих олдида ўз зиммасига олган жуда катта масъулиятни тўла-тўкис англаб, тинчликни мустаҳкамлаш, кескинликнинг юмшатилишини сақлаб қолиш учун, ракета-ядро урушининг олдини олиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш учун куч-ғайратингизни аямай сарф қилмоқдасиз.

Сиз ленинча донолик билан партиямизнинг коллектив штабига — Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюросига раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Сиз ҳаммамиз учун, барча коммунистлар учун коммунистик қурилишнинг, халқаро ҳаётнинг мураккаб проблемаларига партия, давлат нуқтаи назаридан ёндашиш намунаси бўлдингиз, юксак талабчанлик, кишиларга сезгирлик ва эътибор билан муносабат, халқ билан маҳкам алоқа боғлаш намунаси бўлдингиз.

Азиз Леонид Ильич, Москва коммунистлари, меҳнаткашлари Сизга совет халқи бахт-саодати, коммунизм ғалабаси йўлидаги кўп қирали фаолиятингизда янгидан янги муваффақиятлар тилайдилар. Пойтахтни ривожлантириш, унинг аҳолиси фаровонлигини ўстириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилаётганлигингиз учун москваликлар Сиздан астойдил миннатдордирлар.

Азиз Леонид Ильич, деди **Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. Щербицкий,** Сизнинг номингиз ва ишларингиз совет халқининг буюк ғалабалари билан чамбарчас боғланган бўлиб, замонамизнинг тарихидан мустаҳкам ўрин олди.

Бизнинг партиямиз, кенг халқ оммаси, яхши ниятли барча кишилар Сизга чексиз ҳурмат ва ишончларини изҳор қилмоқдалар, Сиз ҳақли равишда жуда катта обрў-эътибор қозондингиз. Бу — меҳнаткаш халқ орасидан чиққан доно кишига хос обрў-эътибордир. Бу — жуда катта тажрибага эга бўлган ва сидқидилдан саховатли кишига хос обрў-эътибордир. Бу — халқ бахт-саодати учун фидокорона курашаётган, ақлий ва сабот-матонатли интернационалист бўлган содиқ ленинчининг обрў-эътиборидир.

Сизнинг Совет давлати қуч-қудрати тўғрисида, халқ бахт-саодати ҳақида, тинчлик тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигингизга иш билан жавоб қайтариб, КПСС XXVI съездининг қарорларини бажариш соҳасида сабот-матонат билан ишлаш, коммунизм қурилишидан иборат умумхалқ ишига кўпроқ ҳисса қўшиш — бизнинг вазифамиз ва муқаддас бурчимиздир.

Ўзингиз тўғилиб ўсган Днепродзержинск шаҳридаги ватандошларингизнинг, Днепропетровск ва Запорожье областлари меҳнаткашларининг самимий иззат-ҳурматларини Сизга изҳор киламиз. Сиз урушдан кейинги даврда бу областларни қайтадан тиклашга шахсан жуда катта ҳисса қўшдингиз.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Д. А. Кунаев бундай деди: Азиз Леонид Ильич, Совет Қозоғистони Сизга, аввало унутилмас қўрқ эпопеяси билан яқин эканлиги туфайли фахрланамиз.

Биз республиканинг мислсиз юксалганлиги учун, зўр эътибор билан ғамхўрлик қилаётганлигингиз, маслаҳат ва тавсиялар бераётганлигингиз учун, чинакам большевикча талабчанлигингиз учун Сиздан миннатдормиз. Ленин типидаги раҳбар, заковатли ва доно сиёсатчи, янги дунёнинг узоқни кўрадиган стратегика хос битмас-туганмас маънавий фазилатларингиз ҳамиша ва ҳамма ишда ёрқин намоён бўлмоқда. Сиз ўзингизга хос ана шу фазилатлар билан партия ва халққа ҳалол ва садоқат билан бутун куч-ғайратингизни сарфлаб хизмат қилмоқдасиз.

Сизнинг кўп қирали бутун жўшқин фаолиятингиз биз учун намунадир, чинакам интернационализм намунасидир. Сизнинг бу фаолиятингиз улуғ Ватанимизнинг ва унинг барча чин дўстларининг қудратини метиндек мустаҳкамлаш, бутун жаҳонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида советлар мамлакати халқларининг бебаҳо қардошлигини мукаддас билиб, қадрлашга ўргатади.

Буларнинг ҳаммаси учун революцион руҳи жонажон партиямизнинг бунёдкорлик иши билан Сизга чексиз қадрдон бўлган қозоғистонликлардан самимий раҳмат.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Э. Хонеккер қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Азиз Леонид Ильич, ишчи ва деҳқонларимизнинг социалистик давлати коммунистлари, меҳнаткашлари Сизга чуқур самимий муҳаббатларини изҳор қиладилар. Улар улуғ Ленин боқиб берган ишни муносиб равишда давом эттираётган атоқли марксчи-ленинчига иззат-ҳурмат ва миннатдорчилик туйғуларини билдирадилар.

Сиз илҳомбахш куч-ғайратингиз билан, улуғ советлар мамлакати меҳнаткашларининг ишончи ва меҳнат ғайрат-шижоатига таянган ҳолда партия ва давлатга бошчилик қилиб, инсониятнинг энг порлоқ мақсадлари учун курашмоқдасиз. Коммунизм сари олға ҳаракат қилиб бориш йўлида, тинчлик ва тараққиёт учун курашда янги босқич бўлиб қолган КПССнинг XXVI съезди буни яна бир марта яққол тасдиқлаб берди.

Биз Сизни тинчлик ва халқаро хавфсизлик иши учун толмас курашчи сифатида ҳурмат қиламиз. Уруш нима эканлигини, у халқларга қандай кулфатлар ва вайронгарчиликлар келтиришини ўз тажрибангиздан билган кишисиз. Совет Иттифоқи бугунги кунда ҳам ўзининг тарихий тинчлик миссиясини Улуғ Октябрь руҳида бажармоқда. Азиз Леонид Ильич, Сиз шуни деб фидокорона, ташаббускорлик билан бутун ер юзида чуқур ҳурмат-эҳтиромга сазовор ишларни қиляпсиз.

РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ М. С. Соломенцев ўртоқ Л. И. Брежневга мурожаат этиб бундай деди:

Сизнинг ишчи, солдат, биринчи социалистик давлат раҳбари сифатидаги бутун йўлингиз инсониятнинг порлоқ идеаллари йўлидаги жонбозлик, ҳарбий шавкат, кураш ва меҳнатнинг ёрқин тимсолидир. Сиз Ленин типидаги сиёсатчининг энг яхши хислатларини ўзингизда мужассамлаштиргансиз, ҳаммамиз учун жамият яратишнинг олдинги марраси сифатида тушунсиз.

Совет халқи Сизни севади ва чуқур ҳурмат қилади, зеро Сиз Коммунистик партиянинг доишмандлиги, зийраклиги, кишилар тўғрисида, уларнинг фаровонлиги тўғрисида оталарча ғамхўрлик хислатларини — буюк революция васият қилган ҳамма хислатларни ўзингизда мужассамлаштиргансиз. Совет халқи мамлакатнинг бугунги кунда эришган муваффақиятлари ва унинг келажакда эришадиган янги-янги ғалабаларига бўлган орзу-умидларини Сизнинг номингиз билан боғлайди.

Республикамиз ҳар бир меҳнаткаши қалбида Россия Федерациясига катта эътибор бераётганлигингиз учун, Россиянинг тарихий маркази — Ноқоратупроқ зонаси Сизнинг ташаббусингизга мувофиқ ўзгартириш режалари амалга оширилаётганлиги учун, авлодлар орзуси — Сибирь ва Узоқ Шарқ бойликларини ўзлаштириш режалари амалга оширилаётганлиги учун Сизга алоҳида миннатдорчилик ҳис-туйғулари жўш урмоқда.

Партиямиз ва давлатимизни кўп йиллардан бери Сиз — ҳақиқий ленинча кўламдаги раҳбар, доно ва узоқни кўра биладиган сиёсатчи, янги Совет Конституциясининг илҳомчиси ва уни яратишда актив қатнашчи бошқариб келаётганлиги билан биз ҳаммамиз фахрланамиз. Энг илғор жамият — ривожланган социализм жамияти ўзининг музаффар қадамларини мана шу Конституцияга қараб босади, деб таъкидлади **КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. В. Романов.**

Леонид Ильич, Сизнинг номингиз ва фаолиятингиз ленинчи партиямизга фидокорона хизмат қилиш ёрқин тимсоли бўлиб, шу партиянинг метин сафларида мана эллик йилдан ошдики кураш ва ғалабалар йўлидан бормоқдасиз.

Питер большевиклари, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қатнашчилари, уруш ва меҳнат ветеранлари шу сана муносабати билан Сизга қизғин табрикларини, тўғилган кунингиз муносабати билан қутловларини, узоқ умр кўришингизни ва советлар мамлакатининг равнақи йўлида самарали ишлашингизни истаб билдирган тилакларини топширишимни илтимос қилдилар.

Максим Горький: «Халқнинг ҳалол доҳийлари вазифаси одам бардош беролмайдиган даражада қийин» деганди. Леонид Ильич, шу сўзларнинг моҳияти Сизнинг ҳаёт йўлингизга — ўзининг сиёсий ва ташкилотчилик талантини коммунизм идеаллари хизматига бутунлай фидо этувчи революционер ва ватанпарвар, фронтчи-жангчи ва комиссар, отаним интернационалист йўлига тўлатўкис тааллуқлидир.

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали ўртоқ Д. Ф. Устинов Леонид Ильич туғилган кунинг 75 йиллиги ва Ватанинг юксак мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони тўртинчи «Олтин Юлдуз» медалини олганлиги муносабати билан унга Куролли Кучларнинг жангчилари ва шахсан ўз номидан астойдил самимий қутловлар билдирди.

Тарихий тараққиётнинг ҳозирги мураккаб ва масъулиятли пайтида қудратли советлар давлатини тинчлик учун букилмас курашчи, янги халқаро муносабатларнинг зийрак меъмори — Сиз бошқарганлигингиз халқимиз учун, барча яхши ниятли кишилар учун катта бахтдир.

Совет халқи Сизни Коммунист, Меҳнаткаш Жангчининг энг яхши хислатларини ўзида акс эттирган муносиб фарзанд деб билади. Совет халқи Сизнинг мамлакат мудофаасини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссангизни юксак даражада қадрлайди. Сиз Улуғ Ватан урушининг катта ғарбий ва сиёсий раҳбари сифатида орттирган жанговар тажрибаларингиздан кўпроқ фойдаланиб, ҳарбий қурилишнинг ҳамма энг муҳим масалаларини бевосита ҳал этяпсиз.

Азиз Леонид Ильич, Сиз Куролли Кучларимиз жанговар сафининг ҳамиша энг олдида турибсиз. Советлар Ватанининг барча ҳимоячилари Сизга қараб саф тортмоқдалар! Юбилейингиз кунида Армия ва Флот жангчилари Сизга: «Совет кишиларининг, Совет Иттифоқи дўстлари ва иттифоқдошларининг тинч меҳнати ҳамиша пухта ҳимоя қилиб келинди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади» деб рапорт бермоқдалар.

Азиз Леонид Ильич, Сизни давлат арбоби ва сиёсатчи, ташкилотчи ва марксизм-ленинизм ҳамда пролетар интернационализми ғоялари учун, социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва равнақи учун, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатини мустаҳкамлаш учун отаким курашчи инсон деб қадрлаймиз, деди **Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти ўртоқ Г. Гусак.** Ватанимизнинг меҳнаткашлари Чехословакиянинг озодлиги, мустақиллиги ва унда социализм қуриш учун, халқимизнинг бахтиёр ва тинч ҳаёти учун нималарни ишлар қилган бўлсангиз шуларнинг ҳаммаси учун ўз қалблари ва ўй-фикрларида Сизга ҳамиша миннатдорчилик туйғуларини сақлайдилар.

Сизнинг ҳаётингиз — совет халқи шонли, мазаффар йўлининг ажралмас қисмидир.

Азиз Леонид Ильич, Совет Иттифоқида ўзингиз бош бўлган КПСС Марказий Комитетининг бевосита раҳбарлигида ривожланган социализм жамияти ва коммунизм моддий-техника базасини қуриш шароитларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг идеаллари амалга оширилиб бормоқда. Владимир Ильичнинг васиятлари — ишончли қўлларда.

Леонид Ильич, деди **Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. Я. Киселев,** Сиздаги коммунист оташқалбининг ҳар бир уриши кўп миллионли совет халқлари оиласига, унинг бахт-саодати ва фаровонлигига фидокорона хизмат қилмоқда. Бу қалб бутун планетанинг юмушлари, ташвишлари ва орзу-умидларини ўзига жо этган. Сиз ўзингизнинг ҳақрамонона ҳаётингиз билан коммунизмнинг порлоқ идеалларини қарор топтирясиз.

Бугун, шонли юбилейингиз кунида совет кишиларининг энг соф, ғоят самимий ҳис-туйғулари барҳаёт Ленин ишининг атоқли давомчиси, Ер юзига саховат ва тинчлик ургуларини ҳормай-толмай сочаётган Сизга бўлган умумхалқ меҳр-муҳаббатининг ёхлит улкан ҳис-туйғуларига қўшилиб кетмоқда. Коммунистик партия ва Совет давлатининг Сиздек ҳаммага манзур раҳбари мутафаккирнинг сиёсий донишмандлигини ажойиб ташкилотчи истеъдоди билан, чуқур ақлидир ва зийракликни соддалик ва камтарлик билан, ленинча принципалликни жонкуярлик ва кишини ром этувчи шахсий тароват билан бирга ўзингизда мужассамлаштиргансиз.

Сиз билан бирга ишлаш, Сизнинг раҳбарлигингизда ишлаш, Сиздан ўрганиш — ҳаммамиз учун юксак шон-шарафдир.

Комсомол ёшлигингизнинг унутилмас йўлларидан бири ўтган миннатдор Белоруссия диёридан Сизга таъзим:

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз нутқида бундай деди: Азиз Леонид Ильич, шонли юбилейингиз кунида аввало Сизни ғоятда суюшимиз ва Сиз билан фахрланишимизни айтиб ўтишни истардик. Сизнинг революцион эҳтиросингиз ва ленинча эътиқодингизни, узоқни кўра билишингиз ва дадиллигингизни, юксак ташкилотчилик истеъдодингиз ва собитқадамлилигингизни, инсонийлик ва оддийлигингизни севамиз.

Бутун ҳаётингиз, ҳаётингизнинг ҳар бир куни ва соати билан Ер юзида оқиллик, саховат, мангулиқни қарор топтирясиз. Совет кишилари Сизга чексиз ишонадилар, улар бутун ҳаётингиз, толмас меҳнатингиз, ишларингиз, орзуларингиз ва режаларингиз халқ учун, халқ йўлида эканлигини яхши биладилар.

Биз Сиздан ленинча ишчанлик ва ленинча ўқишқоқликни, ленинча камтарлик ва принципалликни, ленинчасига яшаш, ленинчасига курашиш ва ленинчасига ғалаба қозониш маҳоратини ўрганяпмиз.

Сизнинг истеъдодингиз, толмаслигингиз ва тиниб-тинчимаслигингиз бундан бўён ҳам партия учун, совет халқи учун, ҳар биримиз учун инсониятнинг порлоқ идеаллари йўлидаги курашга киши ўзини қандай қилиб фидо этиши ва шу курашдан бахт топа билишига ёрқин мисол бўлиб хизмат қиларсизки.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Я. Кадар ўз нутқида бундай деб таъкидлади:

Бутун прогрессив инсоният, шу жумладан социализм қураётган венгер халқи ҳам ўртоқ Брежневнинг неча ўн йиллар мобайнидаги толмас, фидокорона ва аҳамияти жиҳатидан улуғвор фаолиятини яхши билади ва буни чуқур ҳурмат қилади. Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев қардош партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси сифатида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг принципиал сиёсатини шакллантириш ва уни амалга оширишга бебаҳо ҳисса қўшганлиги ва қўшаётганлигини, коммунизм қураётган совет халқининг ниятларини, ижтимоий тараққиет, бутун инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатларини халқаро майдонга олиб чиқаётганлигини Венгрия жамоатчилиги билади.

Бу кун биз, венгерлар, ўртоқ Брежнев сиймосида бизнинг қардош совет партиясининг содиқ фарзанди, принципиал интернационалист, отақалб инсонга, Ленин меросининг муносиб вакили ва давомчисига бўлган ҳурмат-эҳтиромимизни изҳор этамиз. Бугун биз тарих берган имкониятлардан доим тўғри фойдаланувчи кишини, коммунистни, тинчлик учун курашчини шарафламоқдамиз.

Рус халқи — социалистик цивилизация яловбардорлиги, деди **Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Э. А. Шеварднадзе.** Рус халқи табиатан революционер. Замонамизнинг атоқли революционери — Леонид Ильич Брежневдир.

Рус халқининг идроки, заковати, очиқ қалби ҳаммага маълум фазилатлардир. Леонид Ильичнинг шахси — донишмандлик тимсоли, инсонпарварлик, одамга ишониш намунасидир. У ўзи буюк ижодкор бўлгани ҳолда ижодий жасоратни бутун партия ҳаётининг норасмига айлантирянти.

Рус халқининг олижаноблик, ҳимоя қилиш, дўстликда муқимлик кучини билмоқ учун руслар билан грузинларнинг 200 йиллик қардошлигининг ўзи кифоядир. Леонид Ильич ўзининг ҳаёти билан интернационализм, демократизм, халқлар дўстлигига ҳайкал қурмоқда. Рус халқи дунёга душманга қарши курашда даҳшатли ва букилмасдир. Леонид Ильичнинг борлиги, моҳиятининг ўзи — синфий манфаатларга садоқат эканлиги, жасорат ва фидокорликдир.

Рус халқи қардош совет халқлари оиласида шу таҳлитда ўз ўрнини олди. Рус халқининг буюк фарзанди — Леонид Ильич шу таҳлитда барча миллатларнинг, шу жумладан грузин миллатининг жисми ва жон-тани, интернационал она-Ватан ҳаётининг ва ҳаётининг ифодачиси, унинг яловбардори бўлиб қолди!

Мамлакатимиз 17 йилдан бери, социалистик тарихининг чорак қисмидан кўпроғида Сизнинг раҳбарлигингиз остида яшамоқда, меҳнат қилмоқда ва ғалаба қозонмоқда, деб таъкидлади **Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. А. Алиев** ўртоқ Л. И. Брежневга мурожаат этиб. Сиз ўзингизнинг ташкилотчи ва назариётчилик атоқли сифатларингиз билан донишмандлигингиз, мардлик ва матонатингиз, кишиларга меҳрибонлигингиз, тинчлик учун муттасил курашингиз билан совет халқининг меҳр-муҳаббатини қозондингиз, бутун дунёда ғоят катта обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлдингиз.

Сиз улуғ рус халқининг энг яхши хислатларини ўзингизда акс эттирдингиз ва оташин интернационалистлигингиз билан мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг бузилмас иттифоқини мустаҳкамлаяпсиз, социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигини жипслаштиряпсиз.

Озарбайжон халқи оталарча ғамхўрлигингиз ва мададингиз учун, қалб саховатингиз ва саминиятингиз учун Сиздан беҳад миннатдор, азиз Леонид Ильич. Совет Озарбайжони меҳнаткашлари ривожланган социализм босқичида эришган катта муваффақиятлар Сизнинг доимий ёрдам ва эътиборингиз натижаси эканлигини яхши биламиз. Партиямизнинг ленинча йўли учун, партия ва мамлакатдаги ажойиб ижодий вазият учун, буюк умидворлик ҳис-туйғулари учун Сизга кўпдан-кўп раҳмат.

ВЦСПС раиси ўртоқ А. И. Шибаев 130 миллионли совет касаба союзлари армияси номидан самимий ва қизғин қутловлар топширди. Ўртоқ Л. И. Брежнев совет касаба союзларини жамиятимизнинг таъсирли кучи, деб атаганди. Азиз Леонид Ильич, социалистик Ватанни равнақ топтириш тўғрисида, мамлакатимиздаги ҳар бир киши, унинг ҳаёти, тақдири тўғрисидаги муттасил ғамхўрликларингиз учун барча совет кишилари Сизга чуқур миннатдорчиликларини изҳор этадилар.

Бу ғамхўрлик Сизнинг планетамиздаги барча кишиларнинг орзу-умидларига мос келувчи тинчлик учун улкан курашингиз билан узвий қўшилиб кетади.

Леонид Ильич, Сизнинг бутун ҳаётингиз, атоқли ленинчининг ажойиб ҳаёти коммунистик идеалларнинг ғалабаси учун, бутун инсониятнинг бахт-саодати ва тинчлиги учун фидокорона курашга улуғвор намуна бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва ҳамиша шундай бўлиб қолаверади.

Сизнинг «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ» ва «Эсдаликлар» китобларингиз ҳаммамиз учун турмушда ва ишда доно дастуруламал ҳисобланади, қаҳрамон давримизнинг ўчмас қиёфаси, совет кишисининг жанговар ва меҳнат жасоратлари уларда чуқур ва жозибали тарзда очиб берилган.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ҳаёти ва фаолияти — коммунизм буюк ишига илҳом билан, собитқадам ва фидокорона хизмат қилишнинг ёрқин ҳамда тақлид этишга муносиб намунасидир, деб таъкидлади **Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Т. Живков.** Планетадаги тинчликсевар ва демократик кучлар, барча софдил кишилар ўртоқ Брежневнинг овозига умид билан қулоқ соладилар, чунки улар Совет Иттифоқининг биринчи партия ва давлат арбоби тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлидаги, кескинликни юмшатиш ва халқлар ўртасида ҳамкорлик, миллиардлаб кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати йўлидаги букилмас ва эҳтиросли курашчи эканлигини яхши биладилар.

Биз, барча қитъаларнинг коммунистлари Леонид Ильич Брежнев сиймосида барҳаёт устозларимиз — Маркс, Энгельс, Ленин ғоялари ва ишларининг ворисини ҳамда толмас ижодкор давомчисини кўрамиз. Биз ўртоқ Брежневнинг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, революцион ва миллий озодлик кучлари жипслигини ва ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга қўшаётган салмоқли ҳамда доимий ҳиссасини юксак қадрлаймиз.

Социалистик ҳамдўстлик халқлари шуни биладиларки, кейинги ўн йилликларда реал социализм мамлакатлари эришган янги-янги муваффақиятларда Леонид Ильич Брежневнинг ғоялари, ташаббуслари муттасил намоён бўлмоқда ва уларнинг ўзи жуда бевосита иштирок этмоқда.

Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, РСР Президенти ўртоқ Н. Чаушеску қуйидагиларни таъкидлади: Руминия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик муттасил ривожланаётганлиги муносабати билан мамнуният изҳор қилиб, азиз Леонид Ильич, шу муносабатларни мустаҳкамлашга қўшган Сизнинг ҳиссангизни қайд этиб ўтмоқчиман. Мен аминманки, Руминия — Совет муносабатлари халқларимиз бахт-саодати ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлашда Л. И. Брежневнинг хизматлари бебаҳодир.

Улуғ Ленин билан қўқмас Сухэ Батор асос солган қардош совет — монгол дўстлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш ўртоқ Л. И. Брежневнинг номи билан боғлиқдир. Бу ни мустаҳкамлашга, тинч Европани барпо этиш йўлидаги янги қадамларга олиб келиши ҳам шу қадар ғоят зарурдир.

Қуролсизланиш ва тинчлик учун курашда Совет Иттифоқининг, ўртоқ Брежнев, шахсан Сизнинг алоҳида роль ўйнаётганлигингизга баҳо бериб биз қатъий ишонч билдириб айтамизки, Европа халқларининг, бутун инсониятнинг энг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш, бутун Ер юзидаги кишиларнинг яшашга, озодлик ва тинчликка бўлган энг асосий ҳуқуқини ҳимоя қилиш ишида бизнинг мамлакатларимиз бошқа социалистик мамлакатлар билан, барча тинчликсевар мамлакатлар билан биргаликда тобора актив ҳаракат қилаверадилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Н. Пастухов Леонид Ильичга шонли юбилей ҳамда Ватаннинг олий мукофотлари муносабати билан Ленин комсомолининг, барча совет ёшларининг фарзандлик меҳр-муҳаббати ва қизғин қутловларини топширди. Азиз Леонид Ильич, ёшлар революцион ғайрат-шижоатини, коммунистик эътиқодни, мардлик ва сабот-матонатни Сиздан, доно ва талабчан мураббиндан ўрганмоқдалар, деб уқтирди у. Биз Ватанга, туғилиб ўсган ўнга, онага меҳр-муҳаббатни, меҳнатни, ғаллани муқаддас билиб эъзозлашни, қалбдан саҳий бўлишни Сиздан ўрганмоқдамиз. Сизнинг ажойиб китобларингиз ёшларимиз учун дарсликлар бўлиб қолди.

Комсомол, совет йигит ва қизлари оталарча эътибор ва ғамхўрлик учун партиядан, унинг Марказий Комитетидан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидан, азиз Леонид Ильич, Сиздан чексиз миннатдордирлар.

Ота-оналарнинг меҳр-муҳаббати учун қарзни юз чандон қилиб узиш — фарзандларнинг бурчидир. КПССнинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви бўлиш — комсомолнинг бурчи, унинг бутун фаолияти мазмунидир. Совет ёшлари жонажон Коммунистик партиянинг сиёсатини, XXVI съезднинг тарихий қарорларини сўзсиз қўллаб-қувватлямоқдалар.

СССР Фанлар академиясининг президенти ўртоқ А. П. Александров академия номидан, барча совет олимлари ва шахсан ўз номидан ўртоқ Л. И. Брежневни муборакбод этди. Сизнинг бутун ҳаётингиз, деди у, халқимизга садоқат намуناси, унга хизмат қилиш намунасидир. Сиз бутун урушни унинг энг машаққатли участкаларида босиб ўтдингиз, урушлар халқларнинг бошига қандай кулфатлар солишини Сиз ўз тажрибангиздан яхши биласиз, зотан планетамиздаги инсон деб аталишга муносиб бўлган кишиларнинг ҳаммаси урушнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатларингизни табрикламоқдалар ва мақулламоқдалар. Азиз Леонид Ильич, Сизнинг номингиз халқлар тинчлиги ва бахт-саодати учун курашнинг рамзи бўлиб қолди. Тинчлик учун Сиз олиб бораётган кураш, партиямизнинг кураши юз миллионлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолишини, пировард натижада урушни инсоният ҳаётидан соқит қилишини биламан ва бунга чуқур ишонаман.

Сиз бутун ҳаётингизни халқимизнинг бахт-саодати йўлидаги курашига бағишладингиз. Сизнинг куч-қудратингиз, Сизнинг буюк инсонпарварлигингиз мана шунда бўлиб, бунинг учун Сизни барча совет кишилари севадилар.

Сиз совет фани олдига халқимизнинг эҳтиёжларини тўла қондирмоқ учун, Ватанимизнинг батамом хавфсизлигини таъминламоқ учун жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришдан иборат вазифани қўйдингиз. Бизнинг олимларимиз ҳам шу топшириқни бажариш учун бутун кучларини сарфлайдилар.

Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партияси, деди **Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк Халқ Хураль Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. Цеденбал,** социалистик революция ғалабаси, унинг ютуқларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш учун, социализм ва коммунизм қурилиши учун олиб борилган баҳодирона курашнинг бутун тарихи мобайнида партия ва давлат арбобларининг ажойиб авлодини тарбиялади, Леонид Ильич Брежнев ана шундай арбобларнинг энг ёрқин ва атоқли намояндаларидан биридир.

Генерал Ленин таълимотини амалга оширишда, Совет Иттифоқида ривожланган социалистик жамият барпо этишда, Октябрнинг ва бутун жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг ғалабаларинч, халқлар тинчлиги ва ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳамда ҳимоя қилишда Л. И. Брежневнинг хизматлари бебаҳодир.

Улуғ Ленин билан қўқмас Сухэ Батор асос солган қардош совет — монгол дўстлигини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш ўртоқ Л. И. Брежневнинг номи билан боғлиқдир. Бу дўстлик эндиликда Монголия диёридаги кўпдан-кўп янги қурилишларда ва интернационал ишлаб чиқариш коллективларида, бизнинг социалистик ғалабаларимизни қўриқловчи ва ҳимоя қилувчи жанговар постларда бирғаликда бажарилаётган бунёдкорлик меҳнатида мужассам ифодасини топмоқда.

Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ П. П. Гришкявичус, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. К. Гроссу, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Э. Восс, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ж. Расулов, СССР министри Е. П. Славский, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ К. С. Демирчян, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Ғ. Ғапуров, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ К. Г. Вайно юбилярга самимий қутловлар, қизғин табрик сўзлари билан мурожаат қилдилар.

Улар ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин қаҳрамонона ҳаёти халққа, партия ишига хизмат қилиш инсон ҳаётининг асосий мазмуни бўлиб қолган тақдирда у беқиёс даражада кўп ишлар қилиши мумкинлигининг намуناси эканлигини таъкидладилар. Давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони рамзи бўлмиш Ленин партиясининг ғоят буюк обрў-эътибори айни Леонид Ильичнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Ўртоқ Л. И. Брежневда буюк давлат арбобининг таланти оддийлик ва камтарлик билан узвий равишда қўшилиб кетган. Ишчилар синфи муносиб фарзандининг бутун ҳаёти халқ манфаатларига, меҳнаткашлар, турмуш даражасини оширишга, мамлакатнинг иқтисодий потенциалини ўстиришга, барча иттифоқдош республикаларнинг, касаба союзлари, комсомол, олимларнинг, Куролли Кучларнинг намояндалари ҳам ва бизнинг чет эллик меҳмонларимиз ҳам кўпгина яхши, самимий сўзлар айтишди. Бунинг учун уларнинг ҳаммасига сидқидилдан раҳмат. **(Қарсаклар).**

Баъзилар мақтовни ҳаддан зиёда қилиб юборган бўлса ажаб эмас, бизнинг юбилейларда доирли ҳамиша шундай қилинади. **(Кулги).** Биз, коммунистлар кибрланиб кетмаслигимиз, ишни эсдан чиқариб кўймаслигимиз кераклиги тўғрисида Ленин ўз даврида айтиб ўтган ва огоҳлантирган эди. Келинглар, Ленининг мана шу васиятига ҳам амал қилайлик. **(Қарсаклар).**

(Давоми учинчи бетда).

УЛУҒ ЛЕНИН ИШИНИНГ СОДИҚ ДАВОМЧИСИ

(Боши 1- ва 2-бетларда).

Ҳаётимда — ишлаб чиқаришда, жангда, сиёсий иш ва давлат иши жабҳаларида мен бажаришга муваффақ бўлган ишларнинг ҳаммаси партиямизнинг даъватига биноан бажарилди. Мана эллик йилдирки, мен ленинчи партиямизнинг содиқ фарзанди бўлиб келмоқдаман ва токи тирик эканман шундай бўлиб қоламан. Партия — куч-қудратимизнинг манбаи. **(Қарсаклар)** олга томон йўлимизни ёритиб турган машъалдир. Партия — буюк халқ энг яхши ўғил ва қизларининг коллективи ва ақл-идрокидир. Бизда тез-тез ва тўғри айтилаётганидек, партия — барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчисидир. **(Қарсаклар).**

Партия ўзининг бутун фаолиятини халқ манфаатларига, унинг фаровонлигига бўйсундиради ва шу боисдан уни бутун халқ тушуниб, қўллаб-қувватламоқда. Партия куч-қудратининг манбаи, унинг барча планлари муваффақиятли равишда амалга оширилишининг гарови мана шундадир. **(Қарсаклар).**

Менинг ишлашимга тўғри келган барча участкаларда пировард натижаларда гап учта бош вазифани ҳал этиш, экономикани юксалтириш, ғоявий-тарбиявий иш ва ниҳоят мудофаани мустаҳкамлаш ва мустаҳкам тинчлик учун кураш тўғрисида борар эди. Партиямиз фаолиятининг уч асосий вазифаси мана шулардир. Халқ бахт-саодати унинг олий мақсадидир. **(Қарсаклар).** Бундай улуғ ишга бутун ҳаётингни бағишласанг арзийди. Мен шундай бурч зиммасига тушган ишларнинг бири бўлганлигим билан фахрланаман. **(Қарсаклар).**

Яна бир нарса тўғрисида гапиришнинг ҳожати йўқ, унинг қандай бўлганлиги маълум. Ўйлайманки, ўтмиш учун ҳам қизаришга тўғри келмайди. Пан билан халқ келажак йилларда нималар қилиши лозимлиги тўғрисида кўпроқ фикр юритилади. Очиғини айтганда токи куч-қувватинг бор экан ана шу келажакка даҳлдор бўлгинг келади киши. **(Давомли қарсаклар).** Ниҳоятда кўп ишлар қилишга тўғри келади, ўртоқлар!

Биз қудратли, техника жиҳатидан яхши қуроллантан социалистик халқ хўжалик организмини вужудга келтирдик. Биз экономика, бошқарув, ижтимоий ҳаётнинг барча тармоқларида мутахассисларнинг голг катта армиясини тайёрладик. Аммо шу билан хотиржам бўлиб қолиш мумкин эмас.

Эндиликда гап ана шу механизмнинг ва унда банд бўлган барча кишиларнинг аниқ-пухта ва узлуксиз ишлашини йўлга қўйишда қолди.

Илғор техникага ва меҳнатни илмий ташкил этишга таяниб, бутун халқ хўжалигимизда меҳнат унумдорлигини анча ошириш керак бўладики, бу — энг муҳим вазифадир. Меҳнат унумдорлигини шу қадар кўтариш керакки, у бизда энг тараққий этган капитализм мамлакатларидагига қараганда паст эмас, балки юқори бўлиши керак. Бунинг учун социалистик тузум бизга барча имкониятларни беради. Масала фақат улардан тўғри фойдалана билишдан, хўжаликни оқилона, тежаб-тергаб юритишни ўрганиб олишдан иборатдир.

Халқимизнинг тажрибаси ва ижодий ташаббускорлигини ҳисобга олиб, қардош социализм мамлакатларининг, шунингдек ривожланган капиталистик давлатларнинг тажрибасидаги мавжуд энг яхши ютуқларни ҳисобга олиб, экономикани бошқаришни анча яхшилаш керак бўлади.

Маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг бекаму кўст амал қиладиган системасини ишлаб чиқиш ва ҳамма жойда жорий этиш керак бўлади. Бундай система кишиларни энг кўп самара билан ишлашга, маҳсулот сифатини муттасил оширишга ундайдиган бўлсин.

Барча совет кишиларининг гражданлик онгини, уларнинг меҳнатга ва социалистик мулкка муносабатини, уларнинг ишдаги, ижтимоий ҳаётдаги ва турмушдаги интизоми ҳамда маданиятини янги даражага кўтариш керак бўлади.

Ўртоқлар, қийинчиликлардан ўзимизни холи қилмоқчи бўлсак мана шуларнинг ҳаммасини бажариш зарур, ваҳолонки, мамлакатни ривожлантиришда ана шундай қийинчиликларга қануз дуч келинмоқда. Яна шуни ҳам кўпроқ таъкидлаб ўтаманки, партиямиз билан совет халқининг бош вазифаси — коммунистик жамият барпо этиш вазифасини муваффақиятли ҳал этмоқ учун мана шуларнинг ҳаммасини бажариш мутлақо зарурдир. Партия XXVI съездининг қарорлари ҳам айни мана шунга қаратилгандир.

Буларнинг ҳаммасида партия учун, барча погоналардаги советлар, касаба союзлари, комсомол учун, бутун халқимиз учун ғоят кенг фаолият майдони очилади.

Мамлакат хавфсизлигини ва мустаҳкам, ишончли тинчликни таъминлаш учун қўлимиздан келган барча ишларни қилиш керак бўлади, албатта. Бу эса ҳозирги ўткир ва кескин халқаро вазият шароитида асло осон иш эмас.

Баъзан чет эллик давлат арбоблари билан бўладиган суҳбатларда биз Брежневнинг сулҳпарварлигига ишонамиз, лекин сизларда, СССРда бошқалар қандайлиги ҳали номаълум-да, деган фикрларни эшитишга тўғри келади.

Шундай фикр юритаётган жаноблларга сизлар Совет Иттифоқини яхши билмайсизлар, деб айтмоқчиман. Брежневнинг тинчлик ишига содиқлиги у бутун совет халқининг **(Давомли қарсаклар)** ва албатта, барча совет раҳбарларинг фикр-ўйлари ва ҳис-туйғуларини акс эттираётганлиги, ташқи сиёсатда партиямиз ва давлатимизнинг қатъий ва собитқадам йўлини ифода этаётганлиги билан изоҳланади. **(Қарсаклар).** Бу йўл Ленин давридан то бизнинг кунларимизгача изчиллик билан ўтказиб келинмоқда. **(Қарсаклар).** Тинчлик ва бошқа мамлакатлар билан тинч ҳамкорлик ишига содиқлик жамиятимиз характерининг ўзи билан белгиланади. Айни шу боисдан бизда уруш, агрессия, сиёсатда авантюризм тарафдорлари йўқ ва бўлмайди ҳам, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. **(Давомли қарсаклар).**

Нутқимни тугатар эканман:

— Буюк совет халқимиз учун! **(Давомли қарсаклар).**

— Ленин партияси, коммунистик бунёдкорлик меъмори — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси учун! **(Гулдурос қарсаклар).**

— Ҳозирги тарихнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучларидан бири — социалистик давлатларнинг шонли ҳамдўстлиги учун! **(Давомли қарсаклар).**

— Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик учун! **(Давомли қарсаклар).**

— Азиз ўртоқлар, Сизларнинг соғлигингиз ва муваффақиятларингиз учун қадаҳ кўтаришларингизни таклиф қилмоқчиман. **(Давомли гулдурос қарсаклар).**

Леонид Ильич Брежнев қардош мамлакатларнинг раҳбарларига мурожаат қилиб, шу мамлакатларнинг халқларига самимий салом, равнақ ва бахт-саодат тилаб билдирган истакларини тоширишларини сўради.

* * *

Қабул маросимининг қатнашчилари ўринларидан турадилар ва Леонид Ильич Брежневни қизғин муборакбод этиб, узоқ олқишлайдилар.

Раислик қилувчи М. А. Суслов қадаҳ кўтариб бундай дейди:

Азиз ўртоқлар! Азизимиз Леонид Ильич Брежнев шарафига, унинг соғлиги ва бахт-саодати учун, унинг буюк социалистик Ватанимиз равнақи, социализм ва бутун дунёда тинчлик манфаатлари йўлидаги олижаноб фаолиятда янги-янги муваффақиятлар учун. **(Давомли қарсаклар).**

Меҳрибонликлари ва самимий муносабатлари билан Леонид Ильичнинг сермеҳнат ва олижаноб ишига кўмак берадиган онла аъзоларининг соғлиги, бахт-саодати ва омон-эсонлиги учун. **(Давомли қарсаклар).**

Буюк Ленин яратган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг штаби — Марказий Комитет учун! **(Давомли қарсаклар).**

Шу залда ҳозир бўлган барча ўртоқларнинг соғлиги учун! **(Давомли қарсаклар).**

Азиз ўртоқлар, коммунизм йўлидаги меҳнатингизда янги-янги муваффақиятларингиз учун яна бир марта қадаҳ кўтаришга ижозат бергайсиз! **(Давомли қарсаклар).**

Қабул маросими чоғида санъат усталарининг концерти бўлди. Унда СССР халқ артистлари М. Бнешу, Л. Зикина, М. Магомаев, Е. Нестеренко, А. Райкин, Н. Сличенко, РСФСР халқ артисти Т. Синявская, РСФСР да хизмат кўрсатган артист А. Солободянник, Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар бандурачи трио А. Шутко, А. Мамченко ва С. Петрова, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Днишев, Москонцерт артистлари, СССР спорт мастерлари Янковскийлар қатнашдилар.

Леонид Ильич Брежнев туғилган кунинг етмиш беш йиллигига бағишланган қабул маросими ғоят самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

«РАДИО» ЙЎЛДОШЛАРИ ПАРВОЗДА

1981 йил 17 декабрда Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари — «Радио-3», «Радио-4», «Радио-5», «Радио-6», «Радио-7», «Радио-8» учирилди. Оптика йўлдошининг ҳаммаси битта учирувчи ракета ёрдамида орбитага чиқарилди.

Йўлдошга радио ҳаваскорлик алоқасига мўлжалланган аппаратлар ва йўлдошларнинг ичидаги аппаратлар иши маълумотларини Ерга юбориб турадиган радио телеметрия системаси ўрнатилган.

Йўлдошларга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Йўлдошлар орқали алоқа сеанслари белгиланган программа мувофиқ ўтказилиб туради. Радио ҳаваскорлик алоқасини ташкил этиш учун зарур маълумотлар матбуотда эълон қилинади.

СССР ДОСААФнинг ердаги қабул қилиш-команда бериш пунктлари йўлдошларнинг ишини бошқаради, олинаётган ахборотни қабул қилиб, ишлаб чиқади.

«Радио» йўлдошларига «РС» халқаро рўйхат индекси кўрилган.

«Радио» йўлдошларини ва Ердаги қабул қилиш-команда бериш пунктларини СССР ДОСААФ радиоҳаваскорларининг ижодий коллективлари яратганлар, улар мазкур йўлдошларнинг учирилишини совет қўшинларининг Москва яқинидаги ғалабаси 40 йиллигига бағишлайдилар.

(ТАСС).

ПАРТИЯ КАДРЛАРИНИНГ ЎҚУВИ

Партия ва совет ходимлари малакасини ошириш республикалараро курсларида тинчловчиларнинг навбатдаги группаларида машғулотлар ниҳоясига етди. Тинчловчилар орасида Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетларининг, область комитетларининг масъул ходимлари, шаҳар комитетлари ва шаҳарлардаги район комитетларининг иккинчи секретарлари бор эди.

Тинчловчилар коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси, экономика, КПСС ички ва ташқи сиёсати, партия ички ҳаёти, партия ташкилотлари ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишининг актуал масалаларини ўргандилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари, масъул ходимлари, республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, таниқли олимлар, Тошкентдаги олий ўқув юртлари ва олий партия мактабининг етакчи ўқитувчилари тинчловчилар ҳузурида лекция ўқидилар.

Машғулотларда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни бажариш, меҳнаткашларни план ва мажбуриятларни адо этишга, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга сафарбар қилиш соҳасида Тошкент шаҳар партия ташкилоти ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иш практикаси билан танишишга катта эътибор берилди.

Тинчловчилар иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

(ЎзТАГ).

ҲАМДЎСТЛИК АСОСИДА

«Л. И. Брежнев ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлиги тўғрисида» тўпламни босилиб чиқди.

Китобга Л. И. Брежневнинг «Социализм дунёси — буюк ғоялар тантанаси», «Ленин йўлидан» асарларида эълон этилган материаллар, шунингдек газеталарда эълон этилган материаллар кирди. Бу материаллар социалистик ҳамдўстликни дунёдаги энг жўшқин, барқарор ва прогрессив иқтисодий куч сифатида ривожлантириш масалаларини, кенгашга аъзо бўлган мамлакатлар ҳамкорлигининг йўлёқ-лама самарали характерини, унинг асосий принципларини чуқур ва ҳар томонлама очиб беради.

Тўпламда коммунистик идеаллар ва социалистик тараққиёт учун, социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий қудрати ва равнақи учун курашда қардош социалистик давлатлар бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашда КПСС билан Совет давлатининг роли таъкидланади.

Тўпламни Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг секретариати нашр этди.

(ТАСС).

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Дамачи балиқчилик хўжалигининг коллективи КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларига амалий ишлар билан жавоб қайтариб, озиқ-овқат программасини ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшиш учун интилиб, 1981 йил плани ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажарди. 9240 центнер юқори сифатли товар балиғи етиштирилди, овланди ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент области магазинларига етказиб берилди.

Дамачи балиқчилик хўжалигининг меҳнаткашлари келгуси йилда балиқ етиштириш учун ҳозир кўл ва ховузларни тайёрламоқдалар, ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш чораларини кўрмоқдалар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССР Министрлар Совети доимий ваколатхонасининг катта референти ўртоқ Рамзиддин Садриддинович Азизхонович Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми транспортда кўп йил, самарали ишлаганлиги, ижтимоий ҳаётда актив қатнашганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлиги автомобиль хўжалигининг автомобиль ҳайдовчиси ўртоқ Воҳид Сопихович Абдусаматовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

СИДҚИДИЛДАН САМИМИЙ ТАБРИКНОМАЛАР

Ўртоқ Л. И. Брежнев туғилган кунинг 75 йиллиги ҳамда у Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамонининг тўртинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотланганлиги туфайли Леонид Ильич Брежневни қуйидагилар самимий муборакбод этдилар:

БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков ва БХР Министрлар Советининг Раиси Г. Филипов;

ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар ва Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси П. Лошонци;

ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, Вьетнам Социалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Чионг Тинь, ВСР Министрлар Советининг Раиси Фам Ван Донг ва ВСР Миллат мажлисининг Раиси Нгуен Хиу Тхо;

ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер ва ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф;

КМП Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикасининг Президенти Ким Ир Сен;

Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Рус;

МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал;

Польша Халқ Республикаси Миллий Нажот Ҳарбий Кенгаши номидан Б. Ярузельский ва Г. Яблоньский;

РКП Бош секретари, Руминия Социалистик Республикаси Президенти Н. Чаушеску;

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети;

Югославия Коммунистлар Союзи Марказий Комитети Президиумининг Раиси Д. Драгосавац.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ТИНЧЛИК УЧУН ОТАШИН КУРАШЧИ

Тараққийпарвар инсоният КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев туғилган кунинг 75 йиллигини кенг кўламда ва тантанали нишонламоқда. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда ана шу шонли санага бағишланган митинглар ва виставкалар, конференциялар ўтказилаётганлиги ва махсус мақола ва хабарлар эълон қилинаётганлиги тўғрисидаги хабарлар келиб турибди.

Жаҳон жамоатчилиги Л. И. Брежневни замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбоби, улуғ Ленин ишининг давомчиси, тинчлик учун, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва халқаро хавфсизлик учун оташин курашчи, деб биладилар.

✦ ВЬЕНТЬЯН. Лаос Халқ революцион партияси Марказий Комитетининг органи «Сиенг пасасон» газетаси қуйидагиларни ёзади: Ленин ва Улуғ Октябрь ишининг ажойиб давомчиси, совет халқининг содиқ фарзанди, КПСС, Совет давлати ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашчи, изчил марксчи-ленинчи Леонид Ильич Брежнев 75 ёшга тўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг тинимсиз ва самарали фаолияти, деб давом этади газета, — бу Ватанга, Ленин партиясига, коммунизм ишига садоқат ва чексиз содиқликнинг ажойиб намунасидир. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзига ишониб топширилган барча партиявий ва давлат лавозимларида юксак ишончи шараф билан оқлади. Унинг битмас-туганмас куч-ғайрати, партиявий принципиаллиги, совет халқининг ҳаёти билан узвий алоқаси Лаос Халқ Демократик Республикаси бутун халқининг чуқур эҳтиромига сазовор бўлмоқда.

Совет Иттифоқи Л. И. Брежневнинг доно раҳбарлигида иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш йўлидан олга томон дадил бормоқда. Коммунистик қурилиш соҳасида СССР эришган муваффақиятлар Л. И. Брежнев фаолиятидан ажралмасдир. У бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун барча ишларни амалга оширмоқда, деб таъкидлайди газета.

✦ ВАШИНГТОН. АҚШда нашр этиладиган «Совьет лайф» журнали декабрь сонининг муқовасида Леонид Ильич Брежневнинг фотопортрети акс эттирилган. Журнал Л. И. Брежневнинг қисқача биографиясини эълон қилиб, атоқли давлат арбоби ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбари ҳаёти ва фаолиятининг турли босқичларини акс эттирувчи кўплаб фотосуратларни берган.

Журналнинг бу сони америкалик журналхонларни ғоят қизиқтирмоқда.

✦ ЛИССАБОН. Португалия пойтахтида Л. И. Брежнев таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

«Португалия — СССР» жамияти раисининг ўринбосари Л. М. Душ Сантуш йиғилганлар ҳузурида сўзга чиқиб, тараққийпарвар инсоният коммунизм қурилишида, тинчлик, қуролсизланиш, кескинликни юмшатиш ва халқаро ҳамкорлик учун курашда СССР эришган улуғвор муваффақиятларни совет раҳбарининг номи ва фаолияти билан боғламоқдалар деб айтди.

Жамият қароргоҳида Л. И. Брежнев ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи фотовиставка очилди. Айрим стендларга КПСС ва Совет давлати раҳбарининг португал тилига таржима қилинган ва мамлакат жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотган «Кичик ер», «Тикланиш» ва «Қўрқ» асарлари қўйилган.

✦ МАДРИД. Бу ерда Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китобини тантанали равишда тақдим этиш маросими бўлди. Китобни «Рубеньос» нашриёти кўп тираж билан испан тилида босиб чиқарди.

«Бу китобни Ер юзида тинчликни қадрловчи, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун, муайян кучларнинг янги жаҳон урушини чиқаришга уринаётганлигига қарши курашаётган барча кишилар сўзсиз зўр қизиқиш билан кутиб оладилар, — деди нашриёт директори Антонио Рубеньос. — Бу китобнинг мазмуни — совет раҳбарининг тараққиётнинг олижаноб идеалларига, кескинликни юмшатиш, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат олижаноб идеалларга фидокорона хизмат қилаётганлигининг далилидир».

А. Рубеньос Л. И. Брежневни Испанияда тинчлик ва планета кишиларининг бахт-саодати учун толмас ва изчил курашчи сифатида машҳур, деб таъкидлади. Унинг бутун фаолияти оммавий қирғин қуролини тақиқлаш, кишилар ҳеч қачон термоядро фалокати дахшатларини бошидан кечирмаслиги учун инсониятни уруш хавфидан халос қилишга қаратилган. Совет раҳбарининг яқинда ГФРга қилган визити, унинг мазкур мамлакатда ўтказган учрашувлари ва суҳбатлари совет ташқи сиёсатининг тинчликсевар характерини яна бир бор тасдиқлади. Нашриёт директори Л. И. Брежневнинг китоби испанларнинг совет халқи билан яхшироқ танишишларига имкон беришини, Испания билан СССР ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашишини алоҳида таъкидлади.

✦ МАНИЛА. Филиппин президенти Фердинанд Маркос чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи делегациясини қабул қилиб, совет раҳбари тутилган кунинг 75 йиллиги муносабати билан унга самимий қутловлар ва соғлиқ тилаб билдирган истакларини изҳор этди.

Президент Л. И. Брежневнинг халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган тинчлик ташаббусларини мамлакат билан таъкидлаб, унинг ялпи тинчлик ва урушнинг олдини олиш ишига шахсан жуда катта ҳисса қўшаётганлигини юксак баҳолади.

✦ БОГОТА. Бу ерда Колумбия жамоатчилигининг Л. И. Брежнев туғилган кунинг 75 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Таниқли жамоат арбоби, Колумбиянинг миллий шоири Луис Видалес қуйидагиларни айтди: Колумбия халқи совет раҳбарининг бутун дунёда тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, планета давлатлари ва халқлари ўртасида дўстлик ва ўзаро ишонч муҳитини вужудга келтиришга бағишланган тинимсиз фаолиятини юксак баҳолайди.

Йиғилиш қатнашчилари қабул қилган резолюцияда таъкидланадики, Л. И. Брежневнинг ҳаёти — ўз халқига ва бутун инсониятга олижаноблик билан хизмат қилишнинг ёрқин намунасидир, унинг таржимаи ҳоли эса, тинчликнинг содиқ гаровидир. Совет давлатининг таржимаи ҳолидир.

Колумбиянинг тараққийпарвар жамоатчилиги, дейилади ҳужжатда, СССР Л. И. Брежнев бошчилигида КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан ташқи сиёсат йўлини қўллаб-қувватлайди. СССРнинг ташқи сиёсати қуролланиш пойгасини жиловлашга, жаҳонда хавфсизликни таъминлашга ва мамлакатлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантиришга қаратилган (ТАСС).

ОТТАВА. Мамлакатнинг турли бурчакларидан келган юз мингга яқин канадаликлар бу ердаги оммавий намойишда қатнашдилар.

Улар ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсатга қарши қатъий норозилик билдирдилар. Суратда: намойиш пайти.

А. Миликин фотоси. (ТАСС).

АТА АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

СОФИЯ, 19 декабрь. (ТАСС). Албаниянинг АТА агентлиги хабар беришича, «18 декабрда Албания меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Албания Министрлар Кенгашининг Раиси Мехмет Шеху асаби ғоятда бузилган бир пайтда ўзини-ўзи ўлдирган».

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

БАРШАВА, 18 декабрь. (ТАСС). Миллий нажот ҳарбий кенгаши халқ хўжалигини бошқариш системасини ҳарбий ҳолат шароитларига тезроқ мослаштиришга қаратилган қарор қабул қилди. Бу қарор экономика соҳасидаги бутун куч-ғайратни биринчи галдаги ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга сарфлашни тавсия қилади.

Польша радиоси забастовкалар камайиб бораётганлиги, мамлакатнинг кўпгина корхоналарида меҳнат маромо йўлга тушаётганлиги тўғрисидаги хабарларни эшитириб турибди. Шу билан бирга Польшадаги вазият нормаллашуви контрреволюцион унсурларнинг, социалистик Польша душманларининг ашаддий қаршилигига дуч келмоқда, бу унсурлар ва душманлар тартибсизлик ва бош-бошдоқликни, қўпорувчилик ишини давом эттириш, кескинлик манбаларини вужудга келтириш учун қулай имконият деб билмоқдалар. ПАП агентлигининг айрим районларда ҳарбий ҳолатдан келиб чиқадиган тақиқларга қарамай, низогарларнинг группалари кўчаларда тартибсизлик чиқаришга, оккупацион забастовкалар деб аталмиш иш ташлаш ташкил этишга, корхоналарнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилишга уринаётганликлари тўғрисидаги хабарлари шундан дарак беради.

ПАП агентлиги 17 декабрга ўтар кечаси Гданьскда бўлиб ўтган воқеаларнинг тафсилотларини баён этиб берди. Кўчалардаги тартибсизликларнинг олдини олишга ҳаракат қилган, ўз бурчларини адо этиб, жамоат тартибини қўриқлаб турган милиция кучларига агрессив кайфиятдаги группалар тошлар, металл буюмлардан фойдаланиб ҳужум қилдилар. Шунинг натижасида милиционерлардан 160 киши ва гражданлардан 164 киши жароҳатланди.

Силезиядаги «Вуек» кўмир шахтасида бир гуруҳ масъулиятсиз шахслар, шу жумладан шахта коллективига мансуб бўлмаган кишилар забастовка ташкил этиб, жамоат тартибини сақлаш кучларининг вакилларига ҳужум қилдилар. Шунинг натижасида азият чеккан кишилар бор, деб хабар қилади ПАП агентлиги. 41 милиционер жароҳатланди, улардан ўндан ортиқ киши оғир яраланди.

Расмий ахборотда айтилишича, Катовице ва Гданьскда содир бўлган, чуқур таассуфга лойиқ воқеалар бениҳоя мураккаб вазият юксак даражадаги масъулиятни талаб қилишини зўр жиддият ва ташвиш билан эслатиб ўтишга мажбур қилади. Гражданлар билан давлатнинг осойишталиги, хавфсизлиги манфаатлари йўлида ҳарбий ҳолат талабларига, ундан келиб чиқадиган ҳуқуқ-тартиботга оғишмай риоя қилиниши лозим. Бу тартибни бузиш фожиали оқибатларга сабаб бўладиган воқеаларга олиб бориши мумкин. Бундай қурбонлар беҳудадир.

Мазкур ишлар юзасидан ҳарбий прокуратура тергов олиб бормоқда, деилади ахборотда.

ПАП агентлиги тарқатган бошқа бир хабарда уқтириб ўтилишича, жамоатчиликнинг жуда кўпчилиги бу даврда ижобий қаради. Ўзини-ўзи сақлаб қолиш туйғуси туфайли халқ ҳарбий ҳолатнинг аёвсиз воситалари тўчитиш учун эмас, балки муқаррар, олий зарурат сабаби қўлланилаётганини тушуниб олди.

ПХР радиоси, телевидениеси ва матбуоти давлат тўнтариши бўлган тақдирда қандай иш тутишга ҳозирлик кўрган «Бирдамлик» раҳбарларининг ҳужжатлари ва материалларини эълон қилиб турибди. Шу ҳужжат ва материаллардан маълум бўлишича, экстремистлар ПБПнинг 80 минтга яқин аъзосига азоб бериб, уларни қириб ташламоқчи бўлганлар. «Бирдамлик» Варшава бўлимининг ҳужжатлари орасидан Польша қўшинлари ичида қўпорувчилик ишлари олиб боришга доир йўл-йўриқлар топиб олинди. «Жолнеж вольности» газетаси касаба союз бирлашмасининг «эксперти» П. Фвалковский ишлаб чиққан бошқа бир йўл-йўриқ тўғрисида хабар қилади. Бу йўл-йўриқда ишчиларга дўқ-пўпоса ва зўғум ўтказиш усулларидан фойдаланиш тавсия қилинади, қаршилик кўрсатиш ва террор қилиш учун «газандаларнинг группалари»ни тузиш тўғрисида кўрсатмалар берилади. «Бирдамлик» ишбошларни аввало нацистлар партиясининг ва шу партия штурмовикларининг тажрибасига амал қилдилар, деган хулоса чиқариш зарур, деб ёзади газета.

«Трибуна люду» газетаси «Бирдамлик»ни фош қилувчи шу ҳужжатларни шарҳлаб, тарих ҳеч қачон «Бирдамлик» раҳбарларининг, КОС-КОР ёки «Мустақил Польша конфедерацияси» арбобларининг гуноҳини кечирмайди, деб таъкидлайди.

Варшавада эълон қилинишича, бирлашган деҳқонлар партиясининг раҳбарлари қишлоқ аҳолисига мурожаат қилиб, ҳарбий ҳолат талабларини беками-кўст бажаришга чақирдилар.

Ҳарбий кенгаш кўраётган тадбирлар Ғарбдаги қўпорувчи марказларнинг йўл-йўриқларига биноан иш кураётган «Бирдамлик»даги ғаламисларни янада яккалаб қўйишга олиб бормоқда. Мамлакатнинг жамоат хавфсизлиги кучлари жойларда тузилган миллий нажот комитетлари билан биргаликда ҳаракат қилиб, контрреволюцион группаларнинг фаолиятига зарба бермоқдалар ва шу тариқа мамлакатда социалистик ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашни таъминламоқдалар.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро Тошкент кинофестивали олдидан

МАРҲАБО, ФЕСТИВАЛЬ

Келгуси йил май ойининг охирида Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро VII кинофестивали бўлиб ўтади. Бу маданият байрамини юксак савияда ташкил қилиш ва ўтказиш учун республикамизда аллақачон Ташкилий комитет тузилган. У шу кунларда актив иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Кинематография давлат комитетида, «Ўзбекфильм», республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияларида, Кинематографчилар союзида ҳам тараддуд қизғин. Штатсиз мухбиримиз Тошкент шаҳар ижроия комитети кинолаштириш бошқармасининг бошлиғи Т. ХИДИРОВ билан учрашиб, ундан шаҳарда кўрилаётган тайёргарлик ҳақида қисқача гапириб беришни илтимос қилди.

— Тошкент кинофестивали Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг катта маданият байрамига, дўстлик анжуманига айланиб қолганлигини яхши биламиз. Ҳар икки йилда ўтказиладиган бу анжуманнинг уч қитъа кинематографияси тараққиётига қўшаётган ҳиссаси катта бўлаётир. У айни вақтда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографчиларининг ўзаро ижодий алоқаларини янада мустаҳкамламоқда. Кинофестивалда қатнашаётган мамлакатлар сони фестивалдан фестивалга ортиб бораётир. Шундай обрўли, катта қизиқишларга сабаб бўлаётган анжуман иштирокчиларига мезбонлик қилиш Тошкент жамоатчилиги, хусусан, маданият ходимлари учун фахрлидир.

Кинофестивалга тайёргарлик планини аллақачон тузиб қўйганмиз. Ҳозир шу режа бўйича иш олиб борилаётир. Масалан, фестиваль фильмлари намойиш қилинадиган кинотеатрлар конкрет аниқлаб қўйилди. Фильмлар шаҳримизнинг ўн битта кинотеатрида намойиш қилинади. Булар Санъат саройи, «Москва», «Дўстлик», «Қозоғистон», «Чайка», «Тошкент Советининг 50 йиллиги» кинотеатрлари ва бошқа маданият масканларидир. Кинофестиваль кунлари шаҳримиздаги майдонлар ва кўчалар, парк ва хиёбонларни безашда фойдаланиладиган безаклар эскизлари тайёрланаётир.

Фестиваль кунлари Чилонзорнинг 23-кварталида 800 ўринга мўлжалланган кинотеатр очилади. Бу янги театрда ҳам фестиваль фильмлари кўрсатилади.

Кинофестиваль ленталари намойиш қилинадиган кинотеатрларнинг деярли ҳаммаси ремонт қилинади.

Театрлар фойеларида Ўзбекистоннинг бутунги кино маданияти ҳақида ҳикоя қиладиган фотостендларни тайёрлаяпмиз. Иккинчи бир гуруҳ фотостендларда эса, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг кинематографияси тараққиёти йўллари, шунингдек, мамлакатимиздаги қардош республикаларнинг кино санъати ютуқлари ҳикоя қилинади. Шаҳримиздаги завод ва фабрикаларда кинофестиваль қатнашчиларига совға қилинадиган ёдгорлик буюмлари тайёрланаётир.

Кинофестивалга тайёргарликни кундан-кун кучайтиряпмиз. Ишончимиз комилки, навбатдаги халқаро кинофорум ҳам республикамиз, қолаверса, мамлакатимиз маданий ҳаётида, халқлар дўстлигида катта воқеа бўлади.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

КОНЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Ўрта Осиёда энг катта «Ангренский» кўмир разрези беш йиллиқнинг иккинчи йили охирига мўлжалланган кундалик ёқилғи қазиш даражасига чиқиб олди. Эндиликда бу ерда ҳар 24 соатда графикка биноан 14 минг тонна ўрнига 18 минг тоннадан кўмир қазиб олинмоқда ва истеъмолчиларга жўнатилмоқда.

Кончилар шу кунгача 5 миллион тонна арзон ёқилғи жўнатдилар. Шахтёрлар йил охиригача пландан ташқари қазилган кўмирни 200 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

ЙИЛЛАРДАН ЎЗИБ

Қарши районидаги «Гидростой» трестининг илғор гидромеханизатори Виктор Игнатовский ўн биринчи беш йиллиқнинг 1983 йили ҳисобига меҳнат қилмоқда. У Толлимаржон сув омбори иккинчи навбатининг қурилишида 300 минг кубометрдан зиёд тупроқни суриб трест механизаторлари орасида биринчи бўлиб шахсий мажбуриятларини муддатидан олдин бажариб қўйди. У қўрқ ер шароитларида ишлаб катта тажриба орттирди. Ремонтчи слесарлик, газ пайвандчилик, токарлик касбларини пухта эгаллаб олди. Бу эса унинг ўз машинасини ҳамиша шай ҳолатда сақлашга имкон бермоқда. Унинг мусобақадош ҳамкасблари илғор механизатордан ўрнак олиб келгуси йил ҳисобига ишламоқдалар. Илғор механизаторнинг ўзи эса СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигигача ўн биринчи беш йиллиқнинг уч ярим йили топшириғини бажаришга сўз берди.

ЯНГИ КОРХОНА

Қорақалпоғистон АССР Элликқалъа районида СССР 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа туфайли саноат тармоғининг тўнғич корхонаси вужудга келди. Бу ерда пахта заводи ишга тушди. Унинг қуввати шунга ўхшаш корхоналардан кам бўлмаса-да, машина-ускуналарининг ихчамлиги жиҳатидан бошқалардан бутунлай фарқ қилади. Машина ва ускуналар жуда кам саҳни эгаллайди. Бу ерда 400 тонналик пресслар, пахта чиғитини ажратадиган автомат линиялар ўрнатилган.

Янги завод районнинг пахтакор хўжаликларида етиштирилаётган барча хом ашёни тозалаб бериш қувватига эга.

Ўн биринчи беш йилликда бу қўрқ районда бундан ташқари ўндан ортиқ турли хил корхоналар қурилиб ишга туширилиш мўлжалланмоқда.

Хоразм области. Ўн биринчи беш йиллик биринчи йилида Шовот районидаги «Партия XIX съезди» колхозининг консерва заводи қуввати янада ошди. Корхонанинг мураббо, мева ва сабзавот шарбатлари каби ўн беш турдан ортиқ маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кун ошиб бормоқда. Консервалашдан олинаётган йиллик даромад миллион сўмни ташкил этади.

Суратда: заводнинг илғор ишчиси Зуҳра Душамова. У смена топшириқларини мунтазам равишда 150—160 процент бажармоқда.

И. Алимов ва Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитетининг пленуми

Ўзбекистон ДОСААФ Марказий Комитетининг пленуми армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи қўнгилли жамият республика ташкилотининг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спорт оммавийлигини янада ошириш тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифаларига бағишланди. Пленум меҳнаткашларни спортнинг ҳарбий-техника турлари билан шуғулланишга кенг жалб этиш соҳасида мудофаа жамияти ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш йўлларини белгилади.

(ЎзТАГ).

АХБОРОТ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«СЕН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ЎЛКА»

Шундай деб аталган кинолекторий Самарқанднинг бой тарихи ва бугунги куни билан учрашувга маҳаллий гарнизон жангчиларини таклиф этди. Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи давлат музейининг ходимлари шу кинолекторийни ташкил этиш ташаббускорлари бўлдилар. Кинолекторий ёш солдатларни шаҳардаги кўпгина донгдор кишилар билан таништиради. Улар КПСС XXVI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «АН-2» самолёти экипажининг командири Г. И Цховребовнинг қиҳоясини зўр қизиқиш билан тингладилар. Музей ходимлари жангчилар учун экскурсиялар ташкил этмоқдалар, солдатларнинг клубларида лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

ТАЪТИЛ САЁҲАТЛАРИ

Туристик харитада иккита янги маршрут пайдо бўлди — мактаб ўқувчилари Грузия пойтахти Тбилисининг диққатга сазовор жойлари ва Болтиқ бўйидаги порт — Лиепая билан танишадилар. Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюросида тузилган маршрутлар бўйлаб қишки каникул кунлари республика пойтахтининг бир минг икки юздан кўпроқ ёшлари саёҳатга чиқади. Улар Москвада, Ленинградда, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, Ўзбекистон шаҳарларида бўладилар. Ўз навбатида Тошкент ҳам мамлакатнинг кўп жойларидан келадиган юзлаб туристларни қабул қилади.

ТАБАРРУК ЁШЛИ ОТАХОН

Шўрчи районидаги Қизилтепа қишлоғи оқсоқоли Эшқобилбобо Раҳимовнинг ҳовлиси унинг болалари, неваралари ва чеварлари билан гавжум бўлди. Улар Эшқобилбобони юз йиллиқ юбилейи билан муборакбод этиш учун йиғилишган эди. Оқсоқолнинг оиласи катта — бир юз йигирмадан кўпроқ одам бор. Уларнинг ҳаммаси мактабда таълим олишган, қирқ киши эса олий ўқув юртлари ва техникумларни тамомлаб Сурхондарё ва қўшни Тожикистон халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилишмоқда. Эшқобилбобонинг ўзи ҳам тиниб-тинчимайди — молларни боқади, хонадонидаги бошқа зарур ишларни бажаради.

ДОРИХОНАЛАР КЎПАЙМОҚДА

Чортоқ район марказида яна бир дорихона очилди. Бинокорлар уни муддатидан бир ой олдин фойдаланишга топширдилар. Наманган областида эса ҳозир жами янги барпо этилган саккизта типовой район, ўнлаб қишлоқ дорихоналари, кўпгина медицина дўконлари бор. Областнинг исталган аҳоли пунктида дори-дармонларни, санитария ва гигиена буюмларини харид қилиш мумкин.

◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

ШАХМАТ:

НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

Тошкентлик Георгий Аъзамов Фрунзе шаҳрида ўтказилаётган мамлакат чемпионати баҳсларини муваффақиятли якунлашга ҳаракат қилмоқда. Кучли шахматчилар сафида биринчи марта дона сураётган спортчимиз бугунгача москвалик Б. Гулько, краснодарлик Г. Цешковский ҳамда новосибирсклик Г. Гимошченколардан устун келиб, мухлисларни мамнун этган эди. У олти ўйинда битимга келишиб, мавқени мустаҳкамлаб олди. Куни кеча эса челябинсклик Е. Свешников билан кечиктирилган учрашувни муваффақиятли ниҳоясига етказиб, навбатдаги ғалабага эришди. Шундай қилиб шахматчимиз ҳисобидаги очколар 7 та бўлди. Унинг О. Ромонишин билан учрашуви иккинчи марта кечиктирилди. Ҳозир Л. Псахис 11 очко билан олдинда бормоқда.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

ФИГУРАЛИ УЧИШ. ГФРда ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда. Баҳсда жаҳон чемпионати ва «Дўстлик» кубоги учун халқаро мусобақа созриндорлари тошкентлик М. Никитюк билан Р. Кадиркаевлар тўртинчи ўринни эгаллашди.

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН“ ҲАФТАЛИГИ

21—27 ДЕКАБРЬ

21 ДЕКАБРЬ ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 10.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.50 — Дўстлик қувончи. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 15.35 — Сиз яратган боғ. 16.05 — Болалар хорининг концерти. 16.35 — Бокс. СССР мутлақ чемпионати. 17.15 — Фан оламида. 19.00 — Хоккей. Халқаро турнир. Учинчи ўрин учун кураш. 20.15 — Концерт. 20.40 — Н. Некрасов. Турли йилларда ёзилган шеърлар. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей. Халқаро турнир. Финал учрашуви. Танаффусда — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Рус тили. 10.35 ва 11.40 — АҚШда гражданлар уруши. 11.00 — АБВГДейка. 11.30 — Илмий-оммабоп фильм. 12.35 ва 13.35 — Ботаника. 12.55 — Илмий-оммабоп фильм. 13.15 — Фан оламида. 14.05 — В. Брюсов лирикаси. 14.35 — Ўқитувчи экрани. 15.05 — Мен ичишни ташладим. 15.20 — Руслан ва Людмила. Опера. 15.50 — Стендаль ҳаёти ва ижоди. 16.50 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Халқаро панорама. 20.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.00 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-I. 16.05 — Фильм-концерт. 18.30 — Ўсмир ва қонун. 19.00 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Қайноқ мўз. Телефильм. 20.00 — Тошкент шаҳрининг Октябрь райони ўн биринчи беш йиллиқда. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Музика истиқболи эгалари. 21.30 — Время. 22.05 — Ғалабангиз билан дўстлар. 23.30 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 18.35 — Телефильм. 19.00 — Олий математика. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Қизиқувчилар экрани. 20.45 — Саломатлик шаҳри. Телефильм. 20.55 — Эстетика асослари. 21.30 — Москва-IV.

22 ДЕКАБРЬ СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Бадиий фильм. 12.20 — Болаларга ҳайвонлар ҳақида. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильм. 16.05 — Концерт. 16.50 — Телестадион. 17.15 — Кичик созандалар. 17.45 — Ёшлар адреслари. 18.45 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Бугун — энергетиклар куни. 19.45 — 5-«Кончерто гроссо». 19.55 — Кинокомедия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Оғир атлетика. СССР кубоги ва чемпионати.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Француз тили. 10.35 ва 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 — Ўқув кўрсатуви. 11.25 — Илмий-оммабоп фильм. 12.40 ва 13.40 — География. 13.10 — Шахмат мактаби. 14.10 — А. Грин ҳаёти ва китоблари. 14.55 — Концерт. 15.25 — Ўқитувчи экрани. 15.55 — Драматургия ва театр. 19.30 — Халқ оҳанглари. 19.45 — Очиқчасига гап. 20.15 — Концерт. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Оғир атлетика.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Адабиёт. 12.00 — Телефильм. 12.30 — К. Яшин — драматург. 13.00 — Телефильмлар. 18.05 — Мультфильм. 18.10 — Камалак. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Бугун — энергетиклар куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.20 — Телефильм. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ўқитувчи экрани. 18.40 — Телефильм. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Ёшлик. 20.45 — Телефильм. 21.00 — Адабиёт. 21.30 — Москва-IV.

23 ДЕКАБРЬ ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Чўчқабоқар қиз ва чўпон. Кинокомедия. 11.40 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Мураббий. 16.00 — Рус тили. 16.30 — Халқ оҳанглари. 16.45 — Горнчилар, қаердасиз? 17.15 — Ҳужжатли фильм. 18.05 — Врач суҳбатлари. 18.35 — «Эстония» театри. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Қиш манзараси. 19.35 — Жойида ҳал бўлади. 20.25 — Комила. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — А. Фадеев таваллудининг 80 йиллигига. 23.15 — Дунё воқеалари. 23.30 — Ҳужжатли экран.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Немис тили. 10.35 ва 11.35 — Одам анатомияси. 11.05 — Эстетик тарбия. 12.40 ва 13.35 — Хамелеон. 13.05 — Ўқув кўрсатуви. 15.05 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 15.50 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Декабристлар ҳақида ҳикоялар. 19.30 — Музикали программа. 20.15 — Қишлоқ янгиликлари. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 3-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Химия. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Химия. 13.00 — Бадиий фильм. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.30 — До-ре-ми-фа-соль. 19.00 — Инсон. Коллектив. Ўзаро мусобақалар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон мадҳияси. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳаёт мактаби. 21.05 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Гирдоб. Видеофильм. 1-қисм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ўқитувчи экрани. 18.45 — Реклама. 19.00 — Химия. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Француз тили. 20.45 — Телефильм. 21.10 — Ижодий изланиш иши. 21.30 — Москва-IV.

24 ДЕКАБРЬ ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Комила. Бадиий фильм. 11.10 — Горнчилар, қаердасиз! 11.40 — Ҳужжатли фильм. 11.55 — Концерт. 12.50 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Бил ва уддала. 16.35 — Концерт. 17.05 — Телефильм. 17.35 — Шахмат мактаби. 18.05 — Олга, болалайлар! 18.35 — Миллионлар ленинча университети. 19.05 — Мультфильм. 19.35 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фильм-концерт. 19.40 — Жойида ҳал бўлади. Иккинчи кўрсатув. 20.25 — Комила. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Нима? Қаерда, Қачон?

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 ва 16.40 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Испанча сўзлашинг. 10.35 ва 11.35 — Умумий биология. 11.05 — М. Горький. Тубанликда. 12.35 ва 13.35 — Ўқув кўрсатуви. 13.05 — Сиз яратган боғ. 14.05 — Илмий-оммабоп фильм. 14.15 — Ўқитувчи ва шогирдлари. 15.20 — А. Фадеев. Тор-мор. 16.05 — Бадиий фильм. 19.30 — Дўстларимиз чеҳрасн. 20.20 — Концерт. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 4-серия. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Баскетбол. Жаҳлгирис — Динамо (М). 24.00 — Оғир атлетика.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 ва 12.30 — Жамиятшунослик. 12.00 — Ўйлаб топ 13.00 — Учрашув. Бадиий фильм. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Тошкент трактор заводидан репортаж. 19.30 — Ахборот. 19.45 — А. Фадеев. Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.35 — Гирдоб. Видеофильм. 2-қисм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.40 — Телефильм. 19.00 — Чизма геометрия. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Немис тили. 20.45 — Телефильм. 21.10 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 21.30 — Москва-IV.

25 ДЕКАБРЬ ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Комила. Бадиий фильм. 2-серия. 11.10 — Буратино кўргазмаси. 11.40 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Объектив. 16.25 — Москва комсомолининг ишлари. 16.55 — Концерт. 17.15 — Мунозара клуби. 18.30 — Жойида ҳал бўлади. 3-кўрсатув. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Ҳанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари. 19.00 — Лобар аёл. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Кинопрограмма. 24.00 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 ва 16.40 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 — Музика. 11.05 — Адабиёт ўқитувчисининг иш тажрибасидан. 12.40 — Тарих. 14.10 — Биз ва уддала. 14.55 — Табиатшунослик. 15.15 — Астрономия. 15.45 — К. Паустовскийни такрор ўқиб. 19.30 — Анъаналарнинг давоми. 20.00 — Концерт. 20.45 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Синдикат-2. Бадиий фильм. 5-серия. 23.10 — Ҳужжатли фильм. 23.30 — Волейбол. ТТУ — «Уралочка».

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Қизиқарли учрашувлар. 12.00 — Телефильмлар. 13.00 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 13.30 — Шеърият дафтаридан. 14.00 — Фильм-спектакль. 18.05 — Кўнгирқоқ фильмлар. 18.50 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Халқ контроли экрани. 20.15 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дирижёр ҳикоя қилади. 21.30 — Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 23.35 — Гирдоб. Видеофильм. 3-қисм.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ўқитувчилар учун консультация. 18.40 — Телефильм. 19.00 — Чизма геометрия. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Немис тили. 20.45 — Телефильм. 21.10 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 21.30 — Москва-IV.

26 ДЕКАБРЬ ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — АБВГДейка. 10.10 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.40 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 10.10 — Камалак. 11.30 — Инсон. Ер. Коинот. 12.15 — Спортлото. 12.25 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — Москвичка. 14.15 — Ҳамдўстлик. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Ҳайвонот оламида. 16.15 — Фильм-концерт. 17.30 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.15 — Мультфильм. 18.45 — 9-студия. 19.45 — Эрмитаж. 20.15 — Худди Ўша Мюнхаузен. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильмнинг 2-серияси. 22.00 — Концерт. 23.45 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.15 — Тонгги почта. 10.45 — Орлёнок. 11.35 — Ёшлар адреслари. 12.35 — Концерт. 13.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 14.25 — Концерт. 14.45 — Терговни билимдонлар олиб боради. Бадиий фильм. 17.20 — Низомий Ганжавий туғилган кунининг 840-йиллигига. 19.20 — Ҳанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси. 20.00 — Музикали киоск. 20.30 — Здоровье. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Цирк чиқоқлари порлайди. Бадиий фильм. 23.20 — Русская зима. Санъат фестивали.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.55 — Сўз кетидан сўз келар. 11.20 — Шахмат мактаби. 11.50 — Қора юзлар. Спектакль. 14.00 — Биринчи концерт. Бадиий фильм. 17.00 — Дўстлик экрани. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Ўқувчилар концерти. 19.00 — Отаоналар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 20.00 — Цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Гирдоб. Видеофильм. 4-қисм. 23.25 — Баскетбол. «Университет» — «Уралмаш».

16.55 — Душанба кўрсатувлари.

15.40 — Фрунзе кўрсатувлари

27 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Заряднка сафланинг. 10.05 — Будильник. 10.35 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.45 — Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Гароийб концерт. 16.05 — Ҳужжатли фильм. 16.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 17.35 — Мультфильм. 18.30 — Ҳанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси. 18.45 — Халқаро панорама. 19.30 — Чин қалбдан. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол шарҳи. 22.35 — Фильм-концерт. 23.35 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.40 — Концерт. 11.10 — Болалар учун фильм. 12.15 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 13.15 — Камалак. 13.45 — Езувчи Н. Думбадзе билан учрашув. 15.15 — Мелодия. 15.45 — Концерт. 18.45 — Кундан-кунга. Телеспектакль. 20.00 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 20.45 — Халқ оҳанглари. 21.05 — Ҳужжатли фильм. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ўжар қизнинг қўйилиши. Бадиий фильм. 23.30 — Ҳанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.30 — Шум бола. Бадиий фильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Ҳужжатли кино экрани. 13.40 — Раҳмат, капитан. Спектакль. 14.50 — Дераза тагидаги стадион. 15.25 — Реклама. 18.05 — Бойчечак. 18.35 — Фильм-концерт. 19.05 — Қорақалпоғистоннинг халқ амалий санъати. 19.30 — Ахборот. 19.45 — З. Хонларова куйлайди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концертнинг давоми 21.30 — Время. 22.05 — Қизил дипкурьерлар. Бадиий фильм.

15.40 — Фрунзе кўрсатувлари

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.50 — Заряднка сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.45 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.45 — Здоровье. 12.30 — Тонгги почта. 13.00 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 12.15 — Қишлоқ янгиликлари. 14.15 — Оғир атлетика бўйича СССР чемпионати ва кубоги. 14.45 — Тропинин-лар. Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 17.35 — Музикали киоск. 18.05 — Халқаро панорама. 18.50 — Мультфильм. 19.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.00 — Хоккей. Халқаро турнир. СССР — Швеция. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. Учрашувнинг давоми. 23.40 — Концерт. 00.20 — Янгиликлар.

МОСКВА-IV .9.00 — Время. 9.50 — Ҳужжатли фильмлар. 10.35 — Камалак. 11.00 — Ҳайвонот оламида. 12.00 — Халқ жилоларн. 12.30 — Мультфильм. 13.20 — Адабий ўқиш. 14.00 — Цирк майдонида. 16.00 — Хоккей. Халқаро турнир. Финляндия — ЧССР. 18.30 — Кундан кунга. Телеспектакль. 19.30 — Концерт. 20.00 — Сиз бунга қодирсиз. 20.45 — Концерт. 21.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Энг иссиқ ой. Бадиий фильм. 2-серия. 23.10 — Адабий ўқиш.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мўъжизалар куни. Концерт. 10.35 — Ўзбекистон спорти. 11.05 — Қизил палатка. Бадиий фильм. 2-серия. 12.25 — Қувноқ стартлар. 13.25 — Совет киноси усталари. 14.30 — Реклама. 18.05 — Мультфильм. 18.10 — Ўйлаб топ. 18.40 — Телефильм. 19.00 — Инсон ва биосфера. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телеминиатюралар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм.

15.40 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Область театрлари артистларининг концерти. 9.15 — Табассум. 11.30 — Сиҳат-саломатлик радиожурнали. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Озуқа цехи имкониятлари. 13.30 — Тошкент оперетта театри артистлари билан учрашув. 14.00 — Шоличилик истиқболлари. 15.40 — Театр микрофон олдида. Самандар. Спектакль. 17.20 — Шу кунинг қўшиқлари. 18.15 — Спорт эшитириши. 19.25 — Мен севган қўшиқ. 20.15 — Музикали салом. 21.00 — Қишлоқда юксак турмуш маданияти учун. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — И. Икромов ва К. Жабборов қўшиқлари. 23.15 — Дам олиш концерти.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи биносида) — 20, 21/XII да Қўрқ.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/XII да **Отасининг қизи,** 21/XII да **Баланд дорга осилма,** 22/XII да **Гуноҳкор авлиё.**

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

профессор-ўқитувчилар составидаги ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра доценти: сиёсий иқтисод;

кафедра катта ўқитувчилари: меҳнат муҳофазаси (2 ўрин), ҳисоблаш математикаси (3);

кафедра ассистенти: қурилиш материалларн ва ишлари, сиёсий иқтисод, қурилиш механикаси;

кафедра ўқитувчилари: рус тили (2 — чет эллик ўқувчилар билан ишлаш учун).

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қориниёзов кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар бошқармаси аппарати коллективи бўлим мудири С. Р. Маҳкамовга рафиқаси

Холида Аббосовна МАҲКАМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари доцент С. У. Умаровга синглиси

Маъпура ҚОСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда ва — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51